# ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ

## БИЗ ДЎСТЛИГИМИЗ БИЛАН ҚУДРАТЛИМИЗ

**Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Тожиддин Мардонов билан суҳбат.**



**— Элчи жаноблари, айтинг-чи, мана шундай катта байрам кунларида кўнглингиздан қандай туйғулар кечмоқда?**

— Биласизми, ҳозир мен ўзгача бир ҳаяжон билан турибман. Аслида, икки азалий дўст халқларнинг ўзаро борди-келдиси одатий ҳол. Чунки биз қадим замонлардан буён ёнма-ён яшаб келаётган халқлармиз. Яхши биласиз, ўтмишда орамизда чегара бўлмаган. Тожикистонда ўзбеклар неча асрлардан буён яшаб келаётган бўлса, Ўзбекистон бағрида ҳам кўплаб тожиклар аҳил, бир оила фарзандлари сифатида фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Аслида биз ана шу дўстлигимиз билан қудратлимиз. Бугун ўзбекдан дўсти ёки қариндоши бўлмаган тожикни топиш мушкул бўлганидек, тожикдан дўсти ва қариндоши бўлмаган ўзбекни топиш ҳам қийин.

Юртингизда Тожикистон кунларининг ўтказилишида жуда катта маъно бор.

Тўғри собиқ иттифоқ вақтида ҳам мамлакатингизда Тожикистон адабиёти ва санъати ёки бизнинг юртимизда Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари бўлган. Бироқ бу гал эса биз озод ва обод юрт — Ўзбекистонга мустақил мамлакат вакиллари сифатида келдик. Ҳақиқатдан ҳам, тарих халқларимизга ўн йилларда, юз йилларда такрорланиши қийин бўлган катта имкон берди. Озодлик қуёши халқларимизнинг қалби ва шуурини ёритди. Ана шундай омон-омон кунларда ўзбек ва тожикнинг бир тану, бир жон бўлиб янада жипслашуви бу аҳамияти беқиёс бўлган ҳаракатдир. Зеро, мустаҳкам дўстликни енга оладиган куч оламда мавжуд эмас.

**— Ушбу тадбирнинг аҳамияти беқиёс, шундай эмасми?**

— Албатта. Бир ҳафта мобайнида давом этадиган тантаналарда ижодкорлар ижодкорлар билан, санъаткорлар санъаткорлар билан, илм-фан аҳли илм-фан аҳли билан ўзаро мулоқотларда бўладилар. Хушовоз хонандаларимиз куй ва қўшиқларни худди азалдагидек бирга куйлашади. Бу эса халқларимиз қалбига ўзгача руҳ олиб кириши, шубҳасиздир. Бундан ташқари, ушбу саъй-ҳаракатлар қадимий дўстлик алоқаларимизни янги босқичига кўтаришда муҳим ўрин тутади. Қолаверса, Ўзбекистонда ўтказилаётган ана шу Тожикистон кунлари дўстлигимиз ва қардошлигимизнинг чинакам тантанаси сифатида халқимиз хотирасида узоқ вақт эсда қолиб, уларни янги дўст ва таниш орттириши йўлида муносиб хизмат қилажак.

**«Халқ сўзи» мухбири Ф. САНАЕВ суҳбатлашди.**

---

СЎЗ — МЕҲМОНЛАРГА

## ҚАЛБДАГИ БИРЛИК

*Жамшид ИСМОИЛОВ, Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазирининг муовини:*

— Санъат — халқларни бирлаштирадиган кўприк. Санъатни севган, куй-қўшиқдан завқланадиган инсон бировга ёмонликни раво кўрмайди. Бугун биз санъат, маданият ва маънавият аҳли дўст ва қардошларимиз уйи — Ўзбекистонга кўнглимиздаги энг гўзал тилакларни олиб келдик. Оға-ини бир-бирини соғингани каби соғиниб келдик. Бугун Ўзбекистон пойтахтидан бошланган «Тожикистон кунлари», эртага қўшни вилоятларда давом этиши муқаррар.

Шаҳрингизнинг энг гўзал санъат кошоналаридан бири — «Туркистон» саройида «Тожикистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги»ни тараннум этувчи расмлар, китоблар кўргазмаси мухлислар билан гавжумлашиб кетди. Айниқса, халқ рассомлари Вафо Назаров, Сабзаали Шарипов, Сухроб Қурбоновлар чизган суратлар ўзбекистонлик мухлисларини топди. Бугун «Туркистон»да бериладиган катта концерт дастурида қардошларимиз севимли ҳофизлар Жўрабек Муродов, Зафар Нозимов, Сурайё Қосимова, Жўрабек Набиев, Давлатманд Холовларнинг барчанинг кўнгил мулкига айланган дилрабо қўшиқларию, Гавҳар Миржумаева, Шарофат Рашидоваларнинг жозибадор рақсларидан баҳраманд бўладилар. Шунингдек, эл севган шоирлар Мўмин Қаноат, Ўлмас Жамол, Фарзоналарнинг янги асарлари шеърият ихлосмандларига манзур бўлиши, шубҳасиз. Тўйга тўёна билан бориш республика кинематографларининг эзгу аъмолидир.

Бу гал ҳам кино мухлислари тожик кино ижодкорларининг «Судхўрнинг ўлими», Рудакий ҳаёти ва ижодини тараннум этувчи «Шоир тақдири» каби ўнлаб энг сара фильмларидан баҳраманд бўлишлари, муқаррар.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистондаги ҳар бир кунимиз чинакам байрамдек ўтади. Бунга қардош дўстларимиз юзидаги очиқчеҳралик, меҳмондўстлик, хушкайфият гувоҳлик бериб турибди.

*Мўсо ДИНОРШОЕВ, Тожикистон Фанлар академиясининг вице президенти:*

— Тошкентга сўнгги бор келганимга ҳам 12 йил бўлипти. Истиқлолдан кейинги мустақил Ўзбекистоннинг пойтахтига биринчи бор ташриф буюришим. Тошкентнинг бугунги гўзал қиёфаси бизни маҳлиё этди.

Ўзбекистондаги юксалишлардан яқин дўст, жонажон қўшни сифатида фахрланамиз. Ўтган йили Братиславада бўлган симпозиумда Ўзбекистондаги иқтисодий юксалишлар ҳақида илиқ фикрларни эшитгандим. Ўшанда ҳамиша юрагимга яқин бу шаҳарни кўргим келган эди. Мана, ўша орзуимга етдим.

Мустақилликка эришган дастлабки пайтдаёқ Ўзбекистон Президенти «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмайдилар» деган ҳикматли сўзни айтган эди. Бугун биз Ўзбекистонда янги, муҳташам қаср, мустақиллик қасри қурилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Истагимиз бу қасрлар абадий турсин. Яхшиликка, эзгуликка хизмат қилсин. Халқларимизнинг дўстлиги, қуда-андачилиги давом этсин. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деган нақл бор. Бирлашсак, аҳил бўлсак дунё халқлари орасида ўзимизнинг ўрнимиз бўлади.

*Мазхабшо МУҲАББАТШОЕВ, Маданият ва ахборот вазирлиги ходими:*

— Менинг бобом ҳам, отам ҳам Тошкентда таҳсил олган. Шу боис бу шаҳар кўнглимга жон қадар яқиндир.

Дўстларимиз, ҳамкасбларимизнинг жуда кўпчилиги Тошкентда таҳсил олган. Мустақилликка эришганимиздан кейин бир нарсани кузатдим. Айнан мана шу Тошкентда таҳсил олган дўстларимиз миллий анъаналарни пухта билиши билан ажралиб туради.

Бугун биз юртингизга ташриф буюриб, янги Ўзбекистонни кашф этдик. Бу биз учун жуда муҳим ташриф бўлди. Ўзбекистондаги ютуқлар бизни беҳад мамнун этди. Навоий ва Жомий боболарнинг дўстлиги ҳар икки миллат фарзандларига гўзал ибратдир.

Биз ҳаётий тажрибамиздан хулоса қилиб, бир нарсани такрор ва такрор айтгимиз келади: Ўзбекистонда жамики ютуқларнинг сабабчиси тинчлик-осойишталикдир. Тинчлик, саломатлик, омонлик ҳамиша ҳар инсонга, ҳар бир хонадонга, ҳар бир юртга насиб этсин. Балхийда бир ҳикматона сўз бор: **«Бир тилда гаплашгандан бирлик афзалроқдир».** Ана шу дилдаги, юракдаги бирлик халқларимизга ҳамроҳ бўлсин.

*Давлатманд ХОЛОВ, Тожикистон халқ артисти:*

— Тошкентга тез-тез келиб тураман. Репертуаримиздаги ўзбекча, тожикча қўшиқларни бу ерда ҳам севиб тинглашади. «Фалак» номли этнографик ансамблимиз ҳақида эшитгандирсиз, балки. Биз халқ оғзаки ижоди намуналарини севиб куйлаймиз. Ансамблимизни оилавий ансамбль деса бўлади. Ўлмас Жамолнинг шеърларига басталанган қўшиқларимизнинг Тошкентда мухлислари жуда кўп.

Ўзбек халқи қўшиқсевар, санъатни нозик тушунадиган, санъаткорни эъзозлайдиган халқ. Тошкент билан, меҳмондўст, меҳмоннавоз ўзбек халқи билан учрашув доимо бизга яхши кайфият ва илҳом бахш этади.

**Муҳаббат ҲУСНИДДИН қизи ёзиб олди.**

---

Қардошлик туйғуси

## КЎНГИЛ — КЎНГИЛДАН БАҲРА ОЛАР



Бўстонлиқда бўлганмисиз? Бир чеккаси сервиқор Тянь-Шань тизма тоғларига туташиб кетган ушбу сўлим маскан ўзининг бетакрор табиати, яшил манзаралари билан ҳар қандай кишини мафтун этади. Унинг «Ўзбекистон Швейцарияси», дея таърифланиши бежиз эмас. Мустақиллик — бўстонлиқликлар ҳаётида ҳам сезиларли из қолдирди. Айни кунда бу ерда 145 мингдан зиёд аҳоли яшаб, меҳнат қилмоқда. Улар турли миллат ва элат вакилларидир.

Туман ҳокимининг ўринбосари Қурвонтой КАРИМБЕРДИЕВ ўзбек ҳамда тожик халқлари ўртасида қарор топган азалий дўстлик, биродарлик, қон-қардошлик муносабатлари ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади:

— Тарихдан маълумки, Туронзамин асрлар давомида турли миллат ва элатлар учун ўзига хос бешик вазифасини ўтаган. Ҳозир ҳам шундай. Қадим аждодларимиз, ота-боболаримизнинг қон-қардошлик бобидаги ўлмас анъаналари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Сирасини айтганда, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг маънавий илдизлари чуқур. Гарчанд уларнинг тили бошқа-бошқа бўлсада, диллари ва интилишлари бир, тақдирлари муштарак, манфаатлари ўзаро уйғунлашиб кетган.

Узоққа бормайлик. Туманимизни аҳил ва қудратли байналмилал оилага қиёсласа арзийди. Ана шу қардошлик оиласида тожик биродарларимизнинг ўз ўрни бор. Бугунги кунда улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб, ислоҳотларни чуқурлаштириш, турмуш фаровонлигини ошириш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Туманимиз боғдорчилик, ғаллачилик, полизчилик, пиллачилик ҳамда чорвачиликка ихтисослашган. Биз асосан Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Давлатга 38 тонна пилла етказиб берилиб, бу борадаги режа тўлиқ адо этилди. Ёз ноз-неъматлари аҳоли дастурхонини безамоқда. Ҳадемай ғалла ўрим-йиғимига киришишни мўлжаллаб турибмиз. Барча техникалар мавсумга тахт.

Ана шу каби меҳнат ютуқларида тожик биродарларимизнинг ҳиссаси оз эмас, албатта. Хусусан, истиқлолдан сўнг уларнинг онг-тафаккурида, маданий турмуш тарзида туб ўзгаришлар юз берди. Туманда анчагина тожик мактаблари бор. Икки халқ ўртасида қиз олиб қиз бериш, қуда-андачилик анъаналари давом этмоқда. Ўзбек оиласига тожик, тожик хонадонига ўзбек санамининг келин бўлиб тушиши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Қувонч ҳам, ташвиш ҳам ўртада. Туманимиз ҳудудидан Чотқол, Кўксув, Псков дарёлари оқиб ўтади. Бир қирғоқда ўзбек, иккинчи қирғоқда эса тожик хонадонлари. Таъбир жоиз бўлса, ҳароратли қалблар ана шу қирғоқларни туташтириб турувчи мустаҳкам «кўприк»дир. Зеро, дўстлик ва биродарликдан қудратлироқ куч борми дунёда!

Биз адолатли демократик жамият сари бораяпмиз. Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, ижтимоий ҳаёт пойдеворини барпо этишда барча миллат ва элатлар тенг ҳуқуққа эгадир. Янги давр, янги шароит туман ҳудудида истиқомат қилаётган 20 мингга яқин тожиклар учун ҳам беқиёс имкониятлар эшигини очди. Улар бундан руҳланиб, тадбиркорликни ривожлантириш, ички бозорни кенг истеъмол моллари билан тўлдириш йўлида катта саъй-ҳаракат кўрсатишаяпти. Фикримизга мисоллар кўп. Айни кунда Бурчмулла, Янгиқўрғон, Юсуфхона, Полвонак, Яккатут, Майдонтол, Чакак, Боғистон, Нанай, Псков ва бошқа қишлоқларда ўнлаб кичик цехлар, хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу жойларда асосан маҳаллий тожиклар меҳнат қилиб, эл бойлигига бойлик қўшаяптилар.

Кези келганда айтишим керак: ўзим ҳам ана шу миллатнинг бир вакилиман. Бўстонлиқ туғилган масканим бўлса, Ўзбекистон ардоқли Ватанимдир. Шу заминда вояга етдим, ўқидим, туп қўйиб палак ёздим. Ўзбекларнинг оққўнгил ва меҳнатсеварлиги, бағрикенглиги олдида бош эгиб таъзим қилса арзийди. Жаҳонга донғи кетган мустақил юрт фуқароси бўлганлигимдан ҳақли равишда фахрланаман. Зотан, дўстлик ва қон-қардошлик масофа билмайди. Халқларимиз қалбида ана шу муқаддас туйғу устувор экан, ҳаётимиз янада равнақ топиши, келажагимиз порлоқ бўлиши, муқаррар.

**«Халқ сўзи» мухбири Носир ТОШЕВ ёзиб олди.**

---

НАЗАРМАТ

## ДЎСТ УЙИДА МУШОИРА

*Ховос билан Ўратепа орасида бир чаман,*
*Қадим эди Мирзачўлнинг бу гўшаси, қоқ маскан.*
*Бунда Фарҳод эртагини яратганлар изи бор,*
*Бунда Жомий, Навоию, Рудакийлар сўзи бор.*
*Бунда Фурқат, Муқимий, Асирийлар дарди бор,*
*Бунда Ғафур, Турсунзода дил куйлари, фарди бор.*
*Бунда янграр Жавҳарию, Аминзода достони,*
*Бунда унган Раҳим Жалил, Аширматлар армони.*
*Уфқ кучган Зафарobод номли янги бўстонлар,*
*Қўшиқ кучган азми кори синган марди майдонлар.*
*Бу чўл кўрку оролигин мардлар айлаган пойдор,*
*Ошиқ бўлиб келган булбул, мангу яшил гулбаҳор.*
*Чирой очган ҳар бир ғунча чўлқуварлар ардоғи,*
*Гаштли эрур давраларда мушоира, шеър чоғи.*
*Дўст уйига ҳавас билан келдик гулгун паллада,*
*Борар мардлик баҳор бўлиб юртда, дашту, далада.*
*Сеп танлайди бунда замин эртак сўзлаб сеҳридан,*
*Турфа гуллар нур таратар қардош эллар меҳридан.*



*СУРАТЛАРДА: Тожикистон кунлари қатнашчилари. В. ПОРТНОВ олган суратлар.*

---

**1 июль — Ўзбек сўми муомалага киритилган кун**

## ЎЗБЕКНИНГ ЯНА БИР ПАҲЛАВОНИ

Умр ўтаётганини фарзандлар камолга етаётганини кўрганда ҳис қиламиз.

Мана, кўз очиб-юмгунча ўзбекнинг яна бир фарзанди тўрт ёшга тўлиб қолибди.

1994 йил 1 июль куни мустақиллигимизнинг яна бир белгиси — Ўзбек сўми муомалага киритилган эди.

Миллий валюта ҳам Герб, Байроқ, Мадҳия сингари ҳар бир давлатнинг қиёфасини белгилайдиган рамздир.

...Юрт истило қилинганидан, айниқса, 1917 йилги тўнтаришдан кейин жуда кўп бойлигимиз, қадриятларимиз, не-не буюк алломаларимиздан жудо бўлдик. Пулимиз ҳам қувғинга учраб, унинг ўрнини босқинчи рубль эгаллади.

Мустақиллик шарофати билан барча қадриятларимиз тикланди, ҳатто номи қувғинга учраган буюк аждодларимиз қайтиб келди.

Энди навбат ҳазрати Сўмники эди.

Ҳазрати Сўм ўзини иззат қиладиган ҳар қандай ориятли зот сингари "йўл тутди", яъни рублдан озод бўлган майдонда вазият қандай эканини аниқлаш, бу майдонни тозалаб, ўзига муносиб жой ҳозирлаш учун дастлаб "элчи"си — сўм-купонни юборди. Сўм-купон унинг топшириғини сидқидилдан адо этди — вазиятни ўрганди, майдонни рубль ва унинг таъсиридан тозалади, хуллас, ҳазрати Сўмнинг "тахт"ини тайёрлаб қўйди.

Ана шундан сўнг...

Ана шундан сўнг тантанали вазиятда ҳазрати Сўм кириб келдилар.

Уни қандай қувонч билан кутиб олганимиз барчанинг эсида бўлса керак.

...Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистоннинг барча жабҳадаги қадами мисли кўрилмаган даражада дадил бўлганини биламиз. "Бола бошидан", деганларидек, ҳазрати Сўм ҳам, ҳали ёш бўлишига қарамай, дадил қадам ташлай бошлади: энг "оғир вазнли" доллар, бошқа мана-ман деган "полвон" валюталар каби шоҳсупадан ўзига хос ўрин эгаллаб олди.

Бутун дунёда валюталарнинг бир-бирига муносабати ўзгариб туради. Пул қадрсизланиши ҳам ҳеч ким инкор қилолмайдиган, олдини ҳам ололмайдиган ҳодиса — иқтисодиётнинг қонунидир. Бироқ, кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиёти "машинасини юргизиб" турган Сўмимизнинг қуввати, нуфузи тобора ошиб бораверишига шубҳа йўқ.

Чунки унинг "фаолияти" Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ишлар, истиқболда кўзланган мақсадларга монанд бўлади.

Чунки Сўмимиз ўзбекнинг Сўми, Ўзбекистоннинг Сўми! Бинобарин, бошқача бўлиши мумкин эмас!

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин, ҳазрати Сўмимиз! Қадамингиз бундан кейин ҳам қутлуғ ва дадил бўлаверсин!

**М. ХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

---

## ИСРОИЛ ВАЗИРИ МАМЛАКАТИМИЗДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Исроил Давлати саноат ва савдо вазири Н.Шаранский бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлди.***

Вазир Э.Ғаниев меҳмонларни Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари билан таништирар экан, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳар икки томон учун бирдай манфаатли эканини таъкидлади. Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида алоҳида тўхталди. Хорижий сармояларнинг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган мамлакат раҳбарияти жалб қилинган сармояларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиққанини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Исроил Давлати ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Шу куни мазкур делегация аъзолари Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида ҳам бўлишди.

Агентлик Бош директори А. Жўрабоев меҳмонларга мамлакатимиз почта ва телекоммуникация тизимида қўлга киритилаётган муваффақиятлар, соҳада юз бераётган кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида сўзлади. Шунингдек, тармоқни замонавий техника билан жиҳозлаш, соҳа тизимини жаҳон андозаларига мос равишда шакллантириш ҳамда унга хорижий сармоя жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталди. Учрашувда Ўзбекистон билан Исроил ўртасида почта ва телекоммуникация бўйича ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тобора ривож топиб бораётгани қайд этилди.

Мулоқот чоғида томонлар икки мамлакат ўртасида почта ва телекоммуникация соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг истиқболли йўналишлари хусусида фикрлашиб олдилар.

Музокараларда Исроил Давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ноаҳ Гал-Гендлер иштирок этди.

**(ЎзА)**

---

## БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ОЛИБ ТАШЛАНДИ

***Ўзбекистон ва Қозоғистон божхона қўмиталари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилашни кўзда тутувчи ҳужжат имзоланган эди. Унга биноан, Ўзбекистон ҳудудидан Еттисой — Чордара йўналишида ўтган 24,5 километрли автомобиль йўли Қозоғистон Республикасига 10 йил муддатга, Қозоғистон ҳудудидан Тошкент — Термиз йўналишида ўтувчи 24 километрли йўл Ўзбекистон Республикасига шунча муддатга фойдаланиш учун берилди.***

***Куни кеча Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига хизмат қиладиган яна бир муҳим воқеа юз берди. Жиззах вилоятининг Фориш тумани чегарасидаги икки давлатнинг "Тўғон" ҳамда "Арнасой" божхона постлари олиб ташланди. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда икки мамлакат божхона хизмати ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар постларнинг олиб ташланиши тарихий илдизлари, анъана ва урф-одатлари муштарак бўлган икки қардош халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.***

**Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.**

# БАНГЛАДЕШГА ҲАВО КЎПРИГИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент-Дакка-Тошкент йўналишида қатновларни бажара бошлади.

Бозор иқтисодиёти шароити фойда келтирадиган йўналишларни излашни тақозо этади. Янги қатновнинг очилиши ҳам айнан ана шу мақсадга қаратилган.

Бир йил муқаддам Тошкентда Бангладеш Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдо кўргазмаси бўлганида республикамиз тадбиркорларининг ушбу мамлакатга қизиқиши яққол кўзга ташланган эди. 1997 йил мобайнида Бангладешдан импорт ҳажми 120,3 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Бангладешлик инвесторлар иштирокида тузилган корхоналар етказиб берган маҳсулот ва кўрсатган хизматларнинг умумий ҳажми эса 3 млн. 300 минг доллардан ортди. Асосан Бангладешдан юқори сифатли ва нисбатан арзон фармацевтика препаратлари, олий навли чой, кийим-кечак келтирилади. Бевосита ҳаво кўприги ишга тушгач, денгиз маҳсулотларини экспорт қилиш имкони ҳам пайдо бўлади.

Туристик фирмалар вакиллари билан суҳбатларда мамлакатимизнинг қадимий Бухоро каби шаҳарларига қизиқиш борлиги аниқ бўлди. Бангладеш киноси, куй-қўшиқ ва рақсларига қизиқиш эса бизда азалдан борлиги барчага аён.

Шундай қилиб, 28 июнь куни Валерий Тян, Азиз Қодиров, Турсунбой Эшмуҳамедов, Константин Каличко бошқарган «Хива» номли «Боинг-767» самолётимиз Даккага йўл олди. Тўрт соатлик парвоздан сўнг Бангладеш пойтахтидаги ҳаво



бандаргоҳига қўнди.

Бу ерда тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Сўзга чиққан Бангладеш Халқ Республикаси ҳукумати ташқи ишлар давлат вазири Абдул Ҳасан Чоудхари меҳмонларни қизғин қутлаб, икки томон учун ўзаро манфаатли алоқалар тобора ривожланиб боришига, бу борада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учувчилари катта ҳисса қўшишларига ишонч билдирди.

— Бизнинг қатновимиз ҳар икки мамлакатнинг кўплаб мутахассисларининг меҳнати туфайли амалга оширилди, — деди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Валерий Тян. — Айниқса, Бангладешнинг мамлакатимиздаги элчиси Муҳсин Али-Хон жанобларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Авиакомпаниямиз қатновлари бангладешлик йўловчиларнинг ишончини қозона олади, деб умид қиламиз. Бунга бизнинг замонавий ҳаво кемаларимиз, ердаги иншоотларимиз ва ходимларимизнинг юксак малакаси кафолат беради.

Янги қатновнинг очилишига тўпланганлар «Баҳор» ансамбли раққосаси Рушана Султонованинг ўзига хос жозибадор рақсини қизғин кутиб олдилар. Ортга қайтишда кема штурвалида Азиз Қодиров билан суҳбатлашдик.

— Авваллари ТУ-154 ва ИЛ-62ларда Ҳиндистон ва Покистонга учганимиз учун бу томонларнинг осмони таниш. Йўловчилар учун бизнинг қатновимиз яхши туҳфа. Ушбу «Хива» деб номланган кемамиз Лондондан Тошкентга келиб, ундан сўнг Даккага йўл олади. Бангладешликлар Европага кўп қатнайдилар. Транзит йўловчимизнинг юки кемани тарк этмай йўлда давом этади. Йўловчи аввалги ўтириб келган ўриндиғида қатновни давом эттиради. Ортга қайтишда ҳам шундай: кема Даккадан Тошкентга келиб, Лондон сари сафарни давом эттиради.

Бангладешлик тадбиркор Айюб Хон ҳам янги қатновнинг қулайлигини таъкидлади:

— Тошкентда ўқиган талабалик йилларимиз Афғонистон орқали уйга бориб келардик. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да Деҳлига уча бошлагач, Ҳиндистон орқали қатнадик. Энди эса худди эртакдагидай, тўрт соатда уйга етиб оламиз! Авиакомпаниянгизга минг раҳмат! Кема саҳнидаги хизмат савияси эса аъло!

Шу тариқа «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси харитасида янги нуқта пайдо бўлди — Дакка!

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,**
**Тошкент-Дакка-Тошкент.**

## Диққат, танлов!

*Ўзбекистон Бадиий академияси Сурхондарё вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январь 17-қарорига биноан "Алпомиш" достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишлаб, монументал паннолар учун очиқ танлов эълон қилади. Танлов шартлари: тақдим этиладиган монументал панно лойиҳалари "Алпомиш" достони мавзуига бағишланиши, уларда мардлик ва она-Ватанга, халққа садоқат тимсоллари акс эттирилиши лозим. Асарлар тасвирий санъатнинг юксак талабларига жавоб бериши зарур. Монументал панно муаллифлари бир ёки бир неча ижодкордан иборат бўлиши мумкин.*

Танлов муддати: 1998 йилнинг 20 августигача.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги совринлар белгиланган:

**Битта биринчи мукофот 150000 сўм**

**Иккита иккинчи мукофот 80000 сўмдан**

**Учта учинчи мукофот 50000 сўмдан.**

Танловга тақдим этилган панно лойиҳалари Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 40-уй — Ўзбекистон Бадиий академиясига йўлланади.

Маълумот учун телефон: (8-3712) 56-50-47. Факс: 56-50-46.

## ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ








*Бўстонлиқ пурвиқор тоғлари-ю, жаннатмонанд боғлари, шарқираб оқувчи зилол сувлари билан нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ҳам машҳурдир. Айниқса, туманнинг энг сўлим гўшаларига жойлашган соғломлаштириш оромгоҳлари болажонларнинг жони-дили.*

*Чирчиқ қурилиш материаллари комбинатига қарашли «Гўзал» лагери ҳам Бўстонлиқнинг энг серфайз оромгоҳларидан. Бу ерда ёз мавсумида меҳнаткашларнинг мингдан зиёд жужуқлари мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.*

*Суратчи мухбиримиз Володя ПОРТНОВ олган ушбу суратларда лагерь ҳаёти акс эттирилган.*



**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА**

# ҚЎЛ УЗАТСА ЕТГУДЕК... ЭДИ





Ўтган куни Францияда давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг 1/8 финал баҳсида Германия терма командаси мексикаликлар билан ўзларига хос ҳисоб-китоб қилишди. Тўғрисини айтганда, ушбу учрашувда Мексика футболчилари ғалабага қўл узатса етгудек эди. Иккинчи бўлимнинг иккинчи дақиқасида улар биринчи бўлиб ҳисобни очдилар. Аммо иккинчи бўлимнинг 30-дақиқасида 34 ёшли Юргин Клинсманн ҳисобни тенглаштирди. Орадан 9 дақиқа ўтиб Оливер Бирхофф немисларга ғалаба келтирган тўпни киритди — 2:1

Умуман олганда, бузилмас «немис машинаси» ҳис-ҳаяжонга берилмаслигини, мағлубиятга учраётган бўлса-да, таҳликага тушмаслигини ва энг сўнгги дақиқаларгача дадиллик билан тўп сура олиши муқаррарлигини яна бир марта бекаму-кўст исбот этдилар.

Жаҳон чемпионати иштирокчиларининг таркибини кўздан кечирар экансиз, Германия командаси ҳақида жуда кўп фикр айтишга тўғри келади. Биринчидан, уларнинг таркибида мамлакат ички чемпионатида ўйнайдиган футболчилар нисбатан кўпроқ. Яъни, Мексика билан бўлган учрашувида мураббий Берти Фогтс хориж клубларида тўп сурадиган фақатгина иккита футболчини майдонга туширди, холос.



Мексика терма командаси оғзи етиб турган ошдан қуруқ қолишди. Бу уларнинг айби эмас, албатта. Улар қўлидан келадиган ҳар бир имкониятни ишга солдилар, аммо немис футболчиларининг мустаҳкам иродаси, мураббий Берти Фогтснинг тажрибаси уларни мағлубиятга учратди.

Шу куни, яъни 29 июнда Голландия футболчилари ҳам ажойиб ғалабани қўлга киритишди. Гапнинг сирасини айтганда, Голландия — Югославия ўйинида ҳам худди Германия — Мексика учрашувидаги каби ақл ва ирода баҳси ҳамма нарсадан устун бўлиб турди. Агарда имкониятлар борасида тўхталадиган бўлсак, югославияликларда қулай вазиятлар кўп бўлди. Денис Беркампнинг (Голландия) биринчи тўпига Слабодан Каммеевич ҳам маҳорат билан жавоб берди — 1:1. Орадан 3 дақиқа ўтиб, учрашув ҳаками Голландия терма командаси дарвозасига 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Бу гал Предраг Миятовичнинг зарбаси дарвозанинг юқори тўсинидан қайтди. Ўйин тугашига 2 дақиқа қолганда, Голландия футболчилари ғалаба тўпини киритдилар ва (2:1) чемпионатнинг 1/4 финалига кўтарилишди.



Шундай қилиб, жаҳон чемпионатининг чорак финалига кўтарилган Бразилия, Италия, Франция, Дания терма командалари сафига Германия ҳамда Голландия футболчилари ҳам қўшилди. Демак, 1/4 финалда Бразилия—Дания, Италия —Франция терма командалари учрашадилар. Германия терма командасининг рақиби эса Руминия — Хорватия учрашуви натижасига қараб аниқ бўлади.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АЛ-ФАРҒОНИЙ НОМИ БИЛАН




Буюк Шарқ олими Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган почта маркалари «Ўзбекистон маркаси» акционерлик жамияти томонидан тайёрланиб, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан муомалага чиқарилди. Абдул Аббос ибн Муҳаммад ибн Носир Аҳмад ал-Фарғоний буюк астроном, математик ва географ бўлиб, Шарқда «Ҳосиб» тахаллуси билан танилган эди. Унинг астрономия, математика ва география фанлари бўйича илмий ишлари фаннинг ривожланишида катта манба, келажак ўқувчилари учун қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Аҳмад ал-Фарғоний Бағдод обсерваториясида араб олимлари билан биргаликда Птоломейнинг «Алмагести» устида илмий изланишлар олиб борган. Бу обсерваторияда у жуда кўп янгиликлар яратди. Сув ўлчагич асбобларини ихтиро қилди ва улар ёрдамида Нил дарёсининг оқими тўғрисида маълумот олди. XI асрда Испанияда Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий ишлари лотин тилига таржима этилган ва унинг номини Европа халқларига танитган. Шарқ олимлари ҳам буюк ватандошларининг илмий меҳнатини юксак баҳолайдилар.

Почта маркаларини шу мавзуда чиқарилган хатжилдлари тўлдиради. Марка ва хатжилддаги расм икки хил рангда бўлиб, Ўрта асрдаги Шарқ астрономик асбобининг тимсоли тушириган. Суратлар муаллифи мусаввир Ю. Габзалиловдир.

**С. ҲАСАНОВА.**

Савоб

# САНАТОРИЙ-БОҒЧА

Тошкент шаҳрининг Сирғали туман халқ таълими бўлими ҳам оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт тизимлари кўмагида болалар саломатлигига эътиборни кучайтириш борасидаги қимматли йўл-йўриқларини амалда жорий этишга киришдилар. Бу борада дастлабки режалар амалга оширилмоқда. Масалан, тумандаги 584-болалар боғчаси санаторий типидаги даволовчи болалар масканига айлантирилди. Санаторий-боғчани ташкил этишда туман халқ таълими бўлими билан бирга М. Қосимов бошчилигидаги «Савдоқурилиш» оталиқ ташкилоти яқиндан ёрдам бердилар. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Сирғали туман бўлими боғчани ўз ҳомийлигига олиб, зарур дори-дармонлар билан таъминламоқда.

— Санаторий-боғчамизда 100 нафар кичкинтойлар таълим-тарбия олиш билан бирга даволанадилар, — дейди 564-боғча мудираси Тафиқа Хабирова. — Болажонларни даволаш учун физиотерапия хонаси бор. Бу ерда кварц, тубус, УВЧ қурилмалари ва уқалаш (массаж) ҳамда даволовчи жисмоний тарбия хонаси мавжуд. Фитотерапия хонасида эса ҳар куни болажонларга витаминлар ва турли гиёҳлардан шарбатлар тайёрланади. Даволаш ишларини олий тоифали шифокор М. Мадазимова ва биринчи тоифали ҳамшира А. Ўрозбоевалар олиб боришади.

**М. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ватан ҳимоячилари сафи кенгаймоқда

Ўзбекистондаги олий ҳарбий ўқув юртлари бирин-кетин тантанали воқеани нишонламоқда: уларни битириб чиққан ёш лейтенантлар Ватан ҳимоячилари сафига қўшилмоқда. Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг мустақиллик даврида ташкил этилган Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юртида ҳам битирувчилар куни жуда байрамона, тантанавор руҳда ўтди.

Чиройли безатилган майдонда ўқишни ҳали давом эттирадиган курсантлар ҳам, яқин орада чегара заставалари ва қўриқчи кемаларда Ватанни қўриқлаш ва мудофаа қилишдек қийин ва шарафли хизматни бажарадиганлар ҳам саф тортган. Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари минбардан жой олади. Атроф эса хурсанд ота-оналар, гулдаста тутган меҳмонлар билан тўла. Билим юртини битирувчилар чегарачиларнинг байрам либосида ҳарбийларга хос интизом билан ажралиб турибди. Ҳозир бўлганларнинг назари уларда. Улар шарафига оркестр садолари янгради, табрик сўзлари айтилди, оқ йўл тиланди. Ёш лейтенантлар майдондан баравар одим ташлаб ўтишади. Тўрт йиллик ҳарбий машқлар бекорга кетмаган, ахир.

Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари ёш офицерларга лейтенант погонлари ҳамда ҳуқуқшунос-юрист малакаси берилгани тўғрисидаги дипломларни олий ҳарбий махсус билимга эгаликни билдирадиган кўкрак нишонлари билан бирга топширди.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ва чегарачилар билим юрти раҳбарлари, чегара қўшинларининг фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар ёш офицерларни самимий табриклашди.

**(ЎзА)**

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона қўшма корхона
"Лок колор синтез" ЗАВОДИ
янги арзонлаштирилган нархларда
УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРНИ, ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ, МАТЛИ ЭМАЛЛАРНИ, ШИФТ ВА ДЕВОРЛАР УЧУН БЎЁҚЛАРНИ, ШПАТЛЁВКА ва универсал эмульсия елимини таклиф этади.
КЕНГ ЙИҒИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!
СОТИБ ОЛАМИЗ: сиккатив, флотореагент, 0,25х712х820 ўлчамли ЭЖК оқ ва ГЖК қора тунукалари.
Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.
111

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича шу йилнинг 3 июнида эълон қилинган танловга ҳужжатларни қабул қилиш муддатининг
1998 йил 15 июлгача
узайтирилганлиги тўғрисида эълон қилади.
Мурожаат учун телефонлар: 139-16-80, 139-15-40, 139-18-46
768

# ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Нукусда ёнғинга қарши амалий спорт бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари қатнашди. Ўт ўчирувчилар тўсиқлараро 100 метрга, ўт ўчириш асбоблари билан 400 метрга югуриш, уч ва тўрт қаватли биноларга чиқиш каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Тошкент шаҳри жамоаси энг юқори натижага эришди.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси жамоаси «Трастконсалтингкомпани» ёпиқ акционерлик жамиятининг директори Йўлбарс Алиевга онаси
**Саодат ая АЛИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Республика қўшма ҳиссадорлик «Диёр» савдо уйининг жамоаси ушбу ташкилот раҳбари муовини Х. Мажидовга отаси
**Ҳамид МАЖИДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти жамоаси «Маънавият ва маърифат» бўлимининг бошлиғи, доцент А. Ғаниевга қизи
**САЙЁРАнинг**
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Руста қандолат» масъулияти чекланган жамият маъмурияти ва жамоаси жамият раиси Мансур Муталовга ўғли
**ДОНИЁРнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0143, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 01.25 1 2 3 4 5 6